

**КАСБ - ХУНАР ТЕХНИКУМЛАРИДА ЎҚУВ ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАР  
ЎТКАЗИШНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**Хошимов Абдикодир Хамдамович**

*Карши давлат университети "Технология таълим" кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, касб-хунар техникумларида ўқув тарбиявий тадбирлар ўтказишнинг илмий методик асослари хусусида сўз юритилди.

**Калит сўзлар:** ислоҳотлар, стереотип, тарбия, концептуал, ҳамкорлик, тарбия, меъёр, технологиялар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар жараёни, бошқаришнинг демократик ва бозор иқтисодига ўтиш, шунингдек таълим, айниқса тарбия мақсади ва усулларининг янгиланиши касб-хунар тизимидағи ўқувчиларнинг мънавий қиёфасини мутлақо ўзгартириб юборди. Энди олдиндан белгиланган стереотип (ўхшаш) бўйича ёш авлодларни тарбиялаш вакти ўтди. Ҳозирги вактда шахсни шакллантириш уни жамият тараққиётининг турли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тенденсиялари билан таништириш асосида амалга оширилади. Янги мақсадларга мувофиқ ҳолда ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари ўзгармоқда, таълимнинг вариатив усуллари, педагогик технологиялар кенг қўлланилмоқда. Тарбиявий ишларнинг аниқ мақсад ва вазифасини белгилаш бу таълим муассасаси педагогик жамоаси фаолиятининг мазмунини аниқлайди.

Таълим муассасаларидаги тарбиявий тизимнинг концептуал ғояси шахс ривожланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқариш. Бунинг учун эса яхши шарт-шароит яратилиши ва авторитаризмдан воз кечиши зарур. Бизнинг назаримизда, бундай ҳамкорлик педагогикаси жуда қўл келади. Ҳамкорлик педагогикасининг мазмуни ўқувчи-ёшларнинг ўз кучига ишонишини ифодаловчи муносабатлар ёрдамида унга танлаш эркинлигини беришда намоён бўлади. Демак, бунда педагогик жамоа томонидан ўқувчи-ёшларнинг ўз-ўзини белгилаш, мустақил фаолият кўрсатиши учун вазиятлар яратилиб берилиши назарда тутилади. Бу деган сўз, улар ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш йўлларини белгилашда, ўз фаолиятини бошқариш усулларини танлашда ҳам эркин бўладилар. Ўқитувчи унга фақат раҳбарлик қилиб, йул-юриқ кўрсатиб туради. Мактаб амалиётига татбиқ этилганда, методлар – бу тарбияланувчиларнинг онги, ирода, туйгулари ва хулқига таъсир этиш усулларидир. Тарбиянинг мутлақо янги методларини яратишга биронта тарбиячининг кучи етмайди. Методларни такомиллаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир тарбиячи ўзининг имкониятига кўра уни ҳал қиласди, тарбия жараёнининг аниқ шарт-шароитларига мос равишда ўзининг хусусий қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади. Тарбия методларини бундай хусусий такомиллаштириш тарбия усуслари деб аталади. Тарбия усуслари – умумий

методнинг бир қисми, алоҳида ҳаракати, янада аниқлашуви. Образли айтганда, усуллар - бу қўйилган мақсадга тезроқ эришиш учун тарбиячи ўзининг тарбияланувчилари билан йўл очадиган ўрганилмаган сўқмоқ. Агар уни бошқа тарбиячилар ҳам фойдалана бошласа, у ҳолда аста-секин усуллар кенг устунли йўллар - методларга айланиши мумкин. Тарбия метод ва усулларини билиш, уларни тўғри қўллай олишни эгаллаш - бу педагогик маҳорат даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан бири. Тарбия метод ва усулларининг алоқадорлиги ана шунда.

Амалиётда тарбия воситалари тушунчаси ҳам ажратилади. Усуллар деганда таъсир кўрсатишлар бирлиги, восита деганда, усуллар йигиндиси тушунилади. Восита - бу усул ҳам эмас, метод ҳам эмас. Масалан, меҳнат - тарбия воситаси, бироқ уни кўрсатиб бериш, меҳнатни баҳолаш, ишдаги хатони кўрсатиш - бу усуллар. Сўз (кенг маънода) - тарбия воситаси, бироқ реплика тақкослаш - усуллар. Бу билан боғлиқликда баъзан тарбия методлари қўйилган мақсадни мувафақиятли амалга ошириш учун фойдаланиладиган усул ва воситалар тизими сифатида аниқланади. Худди шунингдек методнинг тузилишида усуллар ва восита албатта мавжуд бўлади.

Тарбияланувчиларга таъсир этиши натижаларига кўра методларни икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Ахлоқий меъёрлар, мотивларни ҳосил қилишга, тасаввур, тушунча, гояларни шакллантиришга таъсир этувчи.

2. Хулқ-атворнинг ёки бу турини аниқлайдиган одатларни ҳосил қилишга таъсир этувчи.

Методлар тарбиянинг мақсад ва мазмунига боғлиқ бўлади. Тарбия методлари баркамол шахс фазилатларини таркиб топтиришга қаратилган бўлади. Шунинг учун тарбияланувчиларнинг ривожланганлик даражасини хисобга олиш тарбия методларидан самарали фойдаланишининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ўқувчилар ёки бу тарбиявий таъсирга турлича муносабатда бўлади. Бу уларнинг алоҳида хусусиятларига, тарбияланганлик даражасига, тарбия методларининг қай даражада ўринли ва самарали танланганлигига ҳамда моҳирона қўлланганига боғлиқ. Тарбия методларини тўғри танлаш тарбия вазифаларини ижобий ҳал қилишда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаоллигини оширишга ёрдам беради. Масалан, ўқитувчи биринчи синф ўқувчилари билан ишлаш жараёнида ўқувчиларни улар учун янги бўлган меҳнат фаолиятини ўргатишда ўқувчиларнинг хулқ-атвор қоидаларини, уларда кун тартиби аник бўлиши муҳимлигини, уларга ўқувчиларнинг қатъий тартибга амал қилиши зарурлигини тушунтириш методидан фойдаланади. Тушунтириш билан бир қаторда синфга тўғри кириб келишга, уларни ўқитувчи ва ўқувчилар билан саломлашишга, тартиб-интизомни саклашга машқ қилдириб боради. Шунинг билан биргалиқда биринчи синф ўқувчиларини юқоридаги жараёнларга дарс вақтида одатлантириб боради. Бу жараёнда уларнинг амалга оширган ижобий ишлари, ўқув иши натижалари рағбатлантириб боришни тақозо этади. Кўриниб турибдики, ўқитувчи ўқувчилар билан тарбия жараёнини олиб борганда турли хил усул ва методларни кўллайди. Тарбия методларининг хилма-хиллиги уларни турларга

ажратиш, тасниф қилиш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун уларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратиш мумкин. Тарбиявий натижаларга эришишни истаган ҳар бир ўқитувчи (тарбиячи) тарбия методлари ва уларнинг моҳиятини пухта ўзлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият ҳисобланиб, унда ўқитувчи-мураббий тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиширишда ҳар томонлама, яни педагогик, психологик, маънавий, маърифий таъсир кўрсатиши лозим бўлади.

Комил инсон ғояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундейдиган олиjanоб ғоядир.

Ўқитувчи-мураббийлар ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этишида ўқувчиларни маънавий жихатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашнинг турли кирралари, шакл ва услубларини билиши, билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак.

Ўқув-тарбиявий тадбирлар деганда - таълим муассасалари, жумладан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, қўшимча таълим-тарбия муассасалари, давлат, хусусий, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла ва жамоатчилик орасида ўқувчилар иштирокида ўқув режалари асосида бир неча фанларга таянган ҳолда ташкил этилиб, ўтказиладиган ижтимоий фойдали машғулотлар мажмуи назарда тутилади. Шунингдек, ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш методикаси ижтимоий жараён ҳисобланиб, миллий онг ва миллий истиқлол мағкурасини шакллантиришга хизмат қиласи ҳамда ўқитувчи-мураббий унинг қўйидаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олиши лозим бўлади:

-Ўқитувчи-мураббий ўтказиладиган ўқув-тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиши;

-Ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;

-Ўқув-тарбиявий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, қўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;

-Илғор тажрибаларни кузатиб, тахлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;

-Ўқув-тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши ва такомиллаштириши;

-Ўқув-тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши;

-Ўқувчиларнинг ўқув фанларидан олган назарий билимларини ҳар томонлама кенгайтириши ва чукурлаштириши;

-Ўқувчиларнинг дарслардан олган назарий билимларини қундалик хаёт ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаши;

-Ўқувчиларни ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёнида бошқа ўқув фанларига бўлган қизиқишлирини ортириши;

-Ўқувчиларнинг ўзларининг мустақил билимларини кенгайтириши ҳамда уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилишларида ёрдам бериши;

-Ўқувчилар жамоасини ўзаро ва катталарга нисбатан хурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ижтимоий жамият томонидан таълим муассасалари олдига қўйилган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси этиб тарбиялаш вазифалари билан белгиланади. Тарбия методлари ўзаро ўҳшаш жиҳатларига кўра уч гурухга бўлинади. Тарбия жараёнида қўлланиладиган тарбия воситалари методлари аҳамиятини кучайтиришга хизмат қиласди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.АХ. Абдуллаев, З. Дехкамбаева. «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш» услубий қўлланма. -Т.: 2000.

2. А.Х. Абдуллаев, З. Дехкамбаева. «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. -Т.: 2001.

3.П.Шаперинский С.А. Вопросы териии производственного обучения -М : 1981.

4. Методический основы преподавания машиностроительных дисциплин-М: 1981.

5..В.А. Скақун, ишлаб чиқариш таълими усталари учун қўлланма-Т.: 1995.

6. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими стандартлаштириш тизимини белгиловчи асосий атама ва таърифлар. Касб-хунар таълими 5-нашр 2001.

7.А.И. Вайнатовский. Организационные формы производственного обучения в учебных заведениях профтехобразования. - М: 1990